

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Ўзмилийбанк Бошқарувининг
2017 йил “___” _____ даги
мажлис баёни

2017 йил “___” _____ да

_____ -сон билан рўйхатга олинган.

Банкни стратегик ривожлантириш Департаменти Янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш бошқармаси Маълумот ва ахборотлар хизмати бўлими тўғрисида Н И З О М

I. Умумий қоидалар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Банкни стратегик ривожлантириш департаменти, Янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш бошқармаси, Маълумот ва ахборотлар хизмати бўлими (кейинги ўринларда – “Бўлим” деб юритилади) ўз ишида Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (кейинги ўринларда – “Банк” деб юритилади)нинг Уставига, ички меъёрий ҳужжатларига, Банк бўлимларини стратегик ривожлантириш департаменти, Янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш бошқармаси Низомига ва мазкур Низомга амал қилади
- 1.2. Ушбу бўлим Департаментнинг Янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш бошқармаси таркибий бўлинмаси бўлиб, бевосита бошқарма бошлиғига бўйсунди.
- 1.3. Бўлимга унинг бошлиғи раҳбарлик қилади, у Департамент директори тавсиясига кўра, Банк Бошқаруви Раисининг буйруғига асосан лавозимга тайинланади ва эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.

II. Вазифалар

Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 2.1. Банк маҳсулотлари ва хизматлари юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлиш;
- 2.2. Банк маҳсулотлари ва хизматлари юзасидан мижозлардан, аҳолида тушаётган саволларга аниқ, раво ва тўлиқ жавоб бериш;
- 2.3. Телефон орқали муомала маданиятига риоя қилиб, мулоқатда бўлиш;
- 2.4. Мурожаат қайси тилда бўлса, жавобни шу тилда бериш;
- 2.5. Маълумот ва ахборотлар хизматини кеча-кундуз таъминлаш.
- 2.6.

III. Тузилиши

- 3.1. Бўлим яхлит тузилишга эга бўлиб, зиммасига юкланган вазифаларга жавоб беради. Бўлим тузилишини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни Бўлим бошлиғи бевосита Департамент директорига Бошқарма бошлиғи орқали тақдим этади.

IV. Функциялар

Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

- 4.1. Банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва банкнинг амалдаги ва янги жорий қилинган маҳсулотлари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш;
- 4.2. Банк маҳсулотлари ва хизматлари юзасидан мижозлардан, аҳолида тушаётган саволларга аниқ, раво ва тўлиқ жавоб бериш;

- 4.3. Мижозлардан, аҳолида тушаётган саволларга жавоб берилиши мушкул бўлган ҳолда жавобларни, банкнинг тегишли таркибий тузилмалари мутахассислари ёрдамида олинишини таъминлаш;
- 4.4. Муомала маданиятига риоя қилган ҳолда банкка мурожаат қиладиган ҳар бир мижоз саволини жавобсиз қолдирмаслик чорасини кўриш;
- 4.5. Телефон орқали банкка тушаётган мурожаат ёки савол қайси тилда бўлса, жавобни шу тилда берилишини таъминлаш;
- 4.6. Маълумот ва ахборотлар хизматини ишини кеча-кундуз амлга оширилишини таъминлаш;

V. Ҳуқуқлар

Бўлим ўз функцияларини амалга ошириш мақсадида қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади:

- 5.1. Мазкур Низом билан Бўлим зиммасига юкланган вазифаларни сифатли амалга ошириш учун банкнинг барча таркибий тузилмаларидан банк маҳсулотлари ва хизматлари турлари ва шартлари ва бошқа маълумот ва ахборотларни сўраб олиш;
- 5.2. Юклатилган вазифаларни талаб даражасида ва сифатли амалга оширилиши учун иш шароитини ва зарур алоқа воситаларини бўлишини талаб қилиш.

VI. Ўзаро муносабатлар. Алоқалар

- 6.1. Бўлим ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадида мазкур Низомда кўзда тутилган вазифаларга мувофиқ функцияларини амалга ошириш учун Банкнинг барча бўлинмалари билан, бошқа ташкилот ва компаниялар, мижозлар ва аҳоли билан ўзаро муносабатлар ўрнатади.

VII. Масъулият

- 7.1. Мазкур Низом билан юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун бутун масъулият Бўлим бошлиғи зиммасига юкланади.
- 7.2. Бўлим ходимларининг масъулият даражаси лавозим йўриқномалари ва Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунлари билан белгиланади.

VIII. Ишни ташкил этиш

- 8.1. Бўлим иши Банкнинг меҳнат тартиби, ёнғин хавфсизлиги, банк сирини сақлаш, компьютер ва алоқа тизими ҳимоялаш ва Банк мулкани сақлаш қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилади.
- 8.2. Бўлим Бошқарув Раисининг қарорига биноан қайта ташкил этилади ва тугатилади.

IX. Хулоса

- 9.1. Мазкур Низом Банк Бошқарувида тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

Киритилди:

Банкни стратегик ривожлантириш
департаменти директори

Қ. Ғофур

Келишилди:

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Н.Сайдуллаев

Юридик хизмат департаменти
директори

Г. Исмаилова

Ходимлар билан ишлаш
департаменти директори

Ш.Ишниязов

Хатарларни бошқариш ва муаммоли
активларни мониторинг қилиш
департаменти бошқарма
бошлиғи ўринбосари

Е.Гаврилова

Методология ва банк ишини
такомиллаштириш бўлими бошлиғи

К.Мадалиева